



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош
саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай
лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш
орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва
инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

З.М.Сатторов – Тошкент архитектура-қурилиш институти “Қурилиш
материаллари ва кимё” кафедраси профессори, т.ф.н, профессор.
Р.Т.Раззоков – “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва
инжиниринг маркази етакчи мутахассиси.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.

© “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ – 2021

© “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ – 2021



Ушбу қўлланма “Ўзсано-
атқурилишбанк” АТБ, “Ўз-
саноатқурилишматери-
аллари” уюшмаси, ҳамда
“ЎзқурилишматериалЛИТИ”
МЧЖ илмий-тадқиқот ва ин-
жиниринг маркази томони-
дан чақиқ тош ва қум ишлаб
чиқаришни ташкил этиш ни-
ятидаги тадбиркорлар учун
амалий-услубий қўлланма
мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўллан-
мадан фойдаланиб чақиқ
тош ва қум ишлаб чиқариш
ҳақида умумий маълумот
олиш, керакли хом ашё тур-

лари, мавжуд заҳиралар,
ишлаб чиқариш технологи-
ялари, сифат, меъёрий хуж-
жатлар, ўлчов воситалари,
иқтисодий самарадорлик
кўрсаткичлари, экологик
меъёрлар ва атроф муҳитга
таъсири, техника хавфсиз-
лиги, саноат санитария қо-
идалари, тадбиркорликни
рўйхатдан ўтказиш ҳамда
тижорат банкларидан кре-
дит олиш тартиблари келти-
рилган.

**Ушбу қўлланмадан фой-
даланиб ўз бизнесингизни
бошланг!**

Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!



МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Чақиқ тош ва қум ҳақида умумий маълумот	12
1.1 Чақиқ тош ва қум ишлаб чиқариш истиқболлари	14
1.2 Маҳсулотларга қўйиладиган техник талаблар	20
1.3 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	24

II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар	26	VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири	54
2.1 Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё заҳиралари	28	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	56
III. Ишлаб чиқариш технологиялари	32	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	60
IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари	38	VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш	62
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	40	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	64
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	44	VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми	70
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	46	IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби	72
V. Самарадорлик кўрсаткичлари	48	Фойдаланилган адабиётлар	74
5.1 Иқтисодий самарадорлик	50		

КИРИШ







Маълумки ҳозирги кунда аҳолини арзон турар-жойлар билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектлари, нотурар ва аҳоли турар жойлари учун сифатли, арзон, замонавий қурилиш материаллари билан

таъминлаш давр талабидир. Қурилиш ишлари қийматининг **55-60 фоизини қурилиш материаллари** ташкил этишини, замонавий инновацион янги турдаги энергия тежамкор, сифатли, арзон, енгил, қурилиш

материалларини талаб этишини инobatга олинса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасининг тараққиёти аҳамиятини ҳис қилиш қийин эмас.

Сўнгги йилларда дунёда қурилиш жараёнида энергия тежамкор, инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиш бино иншоотларнинг таннарни

арзон бўлиши ҳамда қурилиш ишларини тез фурсатда, сифатли амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизда ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида мавжуд қу-



рилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, республикада мавжуд маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва бунинг натижасида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қувватларини юқори кўрсаткичларда бўлишини таъминлаш билан бирга экспорт ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Бу, ўз навбатида, нафақат ички бозорни таъминлаш, балки хорижий давлатларга экспорт қилишга ҳам имконият яратмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистонда қурилиш мате-

риаллари саноати ривожланиш учун жуда юқори салоҳиятга эга.

Ҳозирги бозор иқтисодиётга ўтилаётган бир пайтда маҳаллий хом ашёлар асосида замонавий арзон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, илғор технологияларни қўллаш, улардан қурилиш саноати талабларига мос келувчи ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган қурилиш буюмлари ҳамда қурилмаларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда капитал қурилиш соҳасига катта эътибор берилмоқда ва уни ривожлантириш учун ҳар йили катта маблағ ажратилмоқда. Ушбу ажратиладиган маблағларни мақсадли ва самарали фойдаланиш учун турар ва нотурар жой, саноат бинолари, коммуникация иншоотлари қурилмасига бўлган талабни қайтадан кўриб чиқиш, ҳозирги замон талабининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.



I. ЧАҚИҚ ТОШ ВА ҚУМ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





1.1 Чақиқ тош ва қум ишлаб чиқариш истиқболлари



Республикаимизнинг бир қанча туманларида чақиқ тош ишлаб чиқариш учун сув тошқинлари ёрдамида ҳосил бўлган юқори мустаҳкамликдаги тоғ жинслари бўлаклари (харсанг тошлар) ишлатилади.

Чақиқ тош тоғ жинсларини майдалаш асосида олинади. Чақиқ тош юқори мустаҳкамликдаги бетонлар учун сифатли йирик тўлдирувчи сифатида ишлатилади.

Ўзбекистонда чақиқ тош ишлаб чиқариш ҳажми шағалдан бир неча баробар кўп.

Чақиқ тош олишда асосий хом ашё сифатида чўкинди тоғ жинслари-гранит, габбро, диабаз, базальт ва карбонат чўкинди жинслари ишлатилади. Юқоридаги тоғ жинсларининг зичлиги 1800 кг/м^3 дан кам эмас.

Чақиқ тош ишлаб чиқариш куйидаги технологик жараёнларни қамраб олади, тошни қазиб олиш, майдалаш ва навлар-

га ажратиш (элаш). Тошларни қазиб олиш карьерларда бажарилади.

Тоғ жинслари карьерларини очиш ишларидан бошланади, бунда ўсимлик қавати ва қум – гилли жинслар техник воситалар билан олиб ташланади. Очиш ишлари таркибига юқори зоналардаги яроқсиз тошларни олиб ташлаш ҳам киради. Бу ишлар портлатиш билан бажарилиб, тошлар махсус чуқурларга тўкилади.

Тош массивини олиб ташлаб ва тоғ ёнбағирларига кенг майдон очилгандан сўнг махсус пармаловчи машиналар ва ускуналарда тоғ массивида диаметри 250 мм гача, чуқурлиги 10-20 м гача бўлган, бир қатор ёки шахмат тартибида 2-3 қатор қилиб ҳар 4-7 м да скважиналар очилади, уларга портловчи моддалар (аммонит, тротил ва бошқа) жойлаштирилади ва бир вақтнинг ўзида портлатиш ишлари бажарилади (хавфли

худудлардан аҳоли ва техника воситалари олиб чиқилади).

Портлатиш натижасида тоғ ёнбағридаги очилган майдон турли йирикликдаги тошлар, бўлақлар билан тўлади. Йирик тошлар махсус техникаларга юклатилиб, тегирмонга жуна-тилади.

Майдалаш – навларга ажратиш корхоналарининг асосий ускуналари бу майдалагичлар, катта кўзли ғалвирлар, лентали конвейерлар, таъминловчилар, транспортёрлар ҳисобланади. Асосан титратувчи кўзли ғалвирлар ишлатилади. Йирик тошлар учун кўзғалмас ғалвирлар ҳам қўлланилади.

Майдалагичлар конструкцияси ва майдалаш принципи-га кўра жағли, конусли, валкли, болғали ва бошқа турларга бўлинади. Тошларни йирик ва ўртача майдалашда жағли майдалагичлар кенг ишлатилади. Кўзғалувчан ва кўзғалмас жағлар орасига тушувчи тош-

лар, жағларни ёпилишида майдаланади.

Конусли майдалагичлар майдаланадиган тош ички ва ташқи карьеруслар орасидаги ҳалқасимон ёриққа тушади, конусли айланма ҳаракат қилади, натижада халқанинг эни тўхтовсиз ўзгаришида тош майдаланади.

Нисбатан паст мустаҳкамликка эга тошларни майдалашда, кўпинча валкли майдалагичлар ишлатилади, у иккита силлиқ цилиндрлар (валклар) дан ташкил топади ва бир-бирига қарама-қарши айланади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқорида келтирилган майдалагичларни қўллашда бошқа турдаги майдалагичларга нисбатан кубсимон шаклдаги доналар кўп миқдорда чиқади, пластинкасимон ва нинасимон доналар эса кам чиқади.

Жағли майдалагичга тушаётган тошнинг ўлчами - $a=0,85 \cdot b$ дан ошмаслиги керак, бу ерда:


b-майдалагичнинг юклаш юзасининг эни.

Энг катта жағли майдалагичнинг юклаш юзаси 1500x2100 мм бўлиб, формулага кўра чўмич сиғими 4 м³ бўлган экскаваторда қайта ишланувчи тошни майдалаш мумкин. Майдалагичларнинг самардорлиги уларнинг технологик характеристикаси (паспорти) да берилади. У аниқ тоғ жинсининг тури ва қабул қилган майдалаш шароитига мос келади. Шу сабабли ишлаб чиқа-

ришнинг конкрет шароитида тўғриловчи коэффициентлар киритилади.

Оддий майдалаш – навларга ажратиш комплексининг схемаси қуйида келтирилган бўлиб, майдалашнинг битта босқичи бажарилади. Бироқ майдалаш корхоналарида 2, 3 ва ундан ортиқ босқичлар ҳам бажарилади.

Майдалагичларнинг чиқиш тирқишини тартибга солиш мумкин, бироқ ҳар бир босқичда юқори даражали



майдалашда майдалагичнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги камайишига ва эскиришини тезлашишига олиб келади. Жағли ва конусли майдалагичларда майдалашнинг даражаси 3-5 га тенг.

Йирикликни тартибга солиш учун, ўз вақтида, майдалашга йўналтирилаётган материалнинг миқдорини тўғри таъминлашда элаш ишлари бажарилади. Технологик шароитга боғлиқ ҳолда қуйидаги турдаги элаш ишлари бажарилади дастлабки, назорат ва якуний (тайёр чақиқ тош).

Дастлабки элаш, майдалашга тушаётган материалдан майда синфга мансуб бўлакларни ажратиш учун бажарилади. Натижада майдалагичларнинг ишлаш шароити яхшиланади ва самарадорлиги ортади.

Назорат элаш, ёпиқ циклда қайта майдалашга йўналтирилган маҳсулотдан алоҳида

синфларни ажратиб олиш учун хизмат қилади.

Майдаланаётган тошнинг майдалик даражаси нафақат майдалагич тури, ишлаш режими ва уни тўғрилашга, балки тошнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Агар доимий режимда ишлаётган майдалагичдан турли мустаҳкамликдаги тошларни ўтказсак, у ҳолда тош мустаҳкамлиги қанча кичик бўлса, майдаланган маҳсулот ҳам майда бўлади.

Сайланма майдалаш самарадорлиги куч таъсирида ишлайдиган майдалагичларда юқори бўлиб, тошлар куч таъсирида майдаланади. Шу мақсадда махсус болғали, роторли майдалагичлар, де-зинтеграторлар ишлатилади. Чақиқ тошни ювиш қачонки унда чанг миқдори O`zDSt 8267-93 “Қурилиш ишлари учун зич тоғ жинсли чақиқ тош ва шағал” талабидан ошсагина



бажарилади. Бу эса, ҳўл элаш
жараёнида бажарилиб, сув
ғалвирлар остидан сепила-
ди. Чақиқ тошни қуруқ усулда

ҳаво таъсирида чангсизланти-
риш истиқболли ҳисобланиб,
элаш жараёни билан бирга-
ликда бажарилади.

1.2 Маҳсулотларга қўйиладиган техник талаблар



Норуда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндилардан олинадиган материаллар хиллари, физик ва механик хоссалари, шунингдек, таркиби ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан тавсифланади. Бундай ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш орқали чақиқ тош, қум ва тош уни олинади. Бунда ишлаб чиқариш харажатлари сезиларли камади, чиқиндиуюмларни барта-

раф этиш имконияти кенгайди ва чиқиндилар асосан қуруқ ва ҳўл усулларда тозаланади. Қуруқ усул аралашмаларни қўшимча майдалаш, элаш, ҳаво ёрдамида тозалаш ва ўлчамлари бўйича фракциялаш каби босқичлардан иборат бўлади. Ҳўл усулда тозалашда кераксиз аралашмалар сув билан махсус тозаланади, эланади ва фракцияларга ажратилади. Майдалаш қолдиқлари асосан йўл қурилишида, асфальтбетон қо-




ришмаси учун майда тўлдирувчи сифатида кенг қўлланилади. Чангсимон чиқиндилар эса минерал қўшилма сифатида декоратив қоришмалар, қурилиш сополи, иссиққа бардошли буюмлар олишда ишлатилади.

Чақиқ тош тоғ жинсларини майдалаш асосида олинади. Чақиқ тош юқори мустаҳкамликдаги бетонлар учун сифатли йирик тўлдирувчи сифатида ишлатилади.

Чақиқ тошга қўйиладиган О`zDSt 8267-93 “Қурилиш ишлари учун зич тоғ жинсли чақиқ тош ва шағал” бўйича талаблар унинг келтирилган фракция ёки аралашмаси таркибида, доналари нисбатига кўра юқорида келтирилган шағал сингаридир. Чақиқ тош доналари шаклига кўра учта гуруҳга бўлинади оддий, бунда пластинкали ва нинасимон шаклдаги доналар 35% гача (масса бўйича) яхшиланган,

бунда пластинкали ва нинасимон шаклдаги доналар 25% дан кўп эмас кубсимон, бунда пластинкали ва нинасимон шаклдаги доналар 15% дан кўп эмас.

Баъзи бир махсус бетонлар учун О`zDSt 728-96 “Оғир ва майда тўлдиргичли бетон” бўйича, масалан босимли қувурлар учун ишлатиладиган бетонларда фақат кубсимон чақиқ тош қўлланилиши керак. Чақиқ тошнинг мустаҳкамлиги унинг маркасини ифодалайди, бунда сувга солинган ҳолда ишлатилган тоғ жинсининг мустаҳкамлиги чегарасидан келиб чиққан ҳолда, цилиндрда эзилишдаги майдаланиш кўрсаткичи асосида аниқланади. О`zDSt 728-96 “Оғир ва майда тўлдиргичли бетон” га кўра чақиқ тош ишлаб чиқаришда ишлатилган тоғ жинсининг мустаҳкамлиги олинadиган бетоннинг мустаҳкамлигидан юқори бўлиши керак 30 МПа



дан кам мустаҳкамлигидаги бетон 1,5 дан кам бўлмаслиги керак, 30 МПа ва ундан юқори бетонлар учун икки мартадан кам бўлмаслиги керак. Тоғ жинслари асосидаги оғир бетон учун тўлдирувчи сифатида ишлатиладиган чақиқ

тошнинг маркази, тоғ жинси мустаҳкамлигига мос келувчи 80 МПа дан кам бўлмаслиги, метаморфик тоғ жинси асосида чақиқтош 60 МПа дан кам бўлмаслиги, чўкинди тоғ жинси асосида чақиқ тош 30 МПа дан кам бўлмаслиги керак.

1.3 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда



2016 йилда норуда қурилиш материаллари (шағал, қум, тош, чақиқтош) га бўлган талаб 14,1 млн м³ ни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 14,4 млн м³ ни ташкил этган (таъминланганлик даражаси 103 фоиз).

2020 йилга келиб юқоридаги барча рақамларда ўсиш кўрсаткичлари юз берган. Хусусан, 2020 йилда норуда қурилиш материаллари (шағал, қум, тош, чақиқтош) га бўлган талаб 20,3 млн м³ ни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 20,5 млн м³ ни ташкил этган (таъминланганлик даражаси 101 фоиз).

Амалда 2016 йилда умумий қиймати 279,5 млрд сўмлик 14,4 млн тонна норуда қурилиш материаллари (шағал, қум, тош, чақиқтош) ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу рақамлар 2021 йилда 987,0 млрд сўмлик 23,5

млн тонна, 2026 йилда 1 260,0 млрд сўмлик 30,0 млн тоннани ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 24,2 трлн сўмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллари, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн.АҚШ доллари, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сўмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР



2.1 Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё заҳиралари



Республикамизда индустриал қурилишни кенг тараққиёт этиши учун маҳаллий хом ашё ресурслари асосида норуда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон вилоятларида ҳам қурилиш индустриясида зарур бўлган норуда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хом ашё захиралар жуда куп миқдорда. Яъни, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатининг хом ашё базаси яратилган бўлиб, жами 526 тадан кўпроқ карьерларда геологик қидирув ишлари бажарилган, шу жумладан, 27 та цемент, 200 та ғишт, 14 та керамзит хомашёси, 75 та қум-шағалли материаллар, 44 та қурилишбоп тошлар, 25 та охак ишлаб чиқариш учун, 25 та бетон ва силикат буюмлар ишлаб чиқариш, 11 та гипс ва ганч, 3 та минерал бўёқлар ишлаб чиқариш учун, 5 та шиша хомашёси ва ҳ.к.

2021 йилда Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида қум, шағал ишлаб чиқарувчи 4 та корхона ташкил қилинди, “Рис-минг Стар”МЧЖ (йилига 15,6 минг м³, Қашқадарё вил.), “Хожи Абдурашид ишлаб чиқариш ва таъминот” ХК (йилига 40 минг м³, Қашқадарё вил.), “Бек Мада қурилиш” ХК (йилига 35минг м³, Тошкент вил.), “Файз-С” ХК (йилига 20 минг м³, Самарқанд вил.).


Ўзбекистондаги норуда қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи 8 та корхонада 64,3 млн. м³ ҳажмда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шу жумладан Қорақолпоғистон Республикасида 2 та корхонада 14,3 млн. м³, Навоида 1,3 млн м³, Қашқадарёда 2та корхона – 17,8 млн м³, Сурхондарё вилоятида 1 та 26,2 млн м³, Самарқанд вилоятида 1та корхона 3,7 млн. м³ ва Фарғона вилояти 1 та корхона 1 млн м³ чақиқ тош ишлаб чиқарилади.

Табиий тош захиралари

Номи ва жойлашуви	Захи-раси	Тури	Туман	Вилоят
Суратсайское (1990) 15 км СЗ пос. Сох, 40 км ЮЗ г. Риштан	1 431,0	Известняк для производства рваного камня (для берегоукрепительных работ) и бутового камня.	Сўх	Фергана
Ширабадское (1988) 5 км Ю ж.д. ст. Ахангаран	2 803,0	Известняк кремнистый для щебня. Выход камня — 77,5%.	Пскент	Ташкент
Джуминское (1973) 15 км ЮВ ж.д. ст. Улус	6 136	Известняк для бута и щебня. Выход камня — 85%.	Нурабад	Самарканд
Миранкульское (1990) 1,5 км СЗ пос. Миранкуль	598	Известняк для бута и щебня.	Нурабад	Самарканд
Каратепинское (1991) 20 км 3 г. Ургут	573	Известняк для бута и щебня, выход бута — 30,6%, щебня — 56,4%.	Ургут	Самарканд
Кузгунское (1989) 2 км В г. Ургута	696	Известняк для бута и щебня.	Ургут	Самарканд
Куруксайское (1987) 5 км ЮВ г. Ургут	3 800	Известняк для бута и щебня, выход камня — 58%.	Ургут	Самарканд
Новурганское 50 км Ю-ЮВ г. Самарканд	476	Известняк для бута и щебня, выход бута — 54,75%, щебня — 42%.	Ургут	Самарканд
Ходжадукское (1988) 12 км 3 г. Ургут	3 632	Известняк для бутового камня и щебня, в т.ч. для производства извести — 1 895 тыс. м ³ .	Ургут	Самарканд
Чаштепинское (1992) 8 км 3 г. Ургут	707	Известняк для бута и щебня, выход бута — 46,9%, щебня — 40,1%.	Ургут	Самарканд

Номи ва жойлашуви	Захи-раси	Тури	Туман	Вилоят
Акмазарское (1962) 18 км ЮВ ж.д. ст. Кермина	1 140	Гранит для щебня.	Пахтачи	Самарканд
Жонгельды (2014) 3 км СЗ пос. Жон-гельды 107 км СЗ г. Газли	1 344,1	Известняк для бутового камня и щебня.	Пешку	Бухаро
Газли — Ташкудук 9 км Ю г. Газли	6 136	Известняк доломитизированный для щебня.	Джандар	Бухаро
Участок Шимолий 3 км Ю автодороги Газли — Бухара	598			
Участок Шуркудук 7 км Ю автодороги Газли — Бухара	573			
Зафаробод 30 км 3 г. Джизак	696	Известняк для бутового камня.	Зафара-бад	Джизак
Калкаминское (1992) 50 км СЗ ж.д. ст. Китаб, 35 км ССВ р/ц Чиракчи	3 800	ИМрамор для бута и щебня. Выход бута — 68%, щебня — 31%.	Чиракчи	Кашкадаря
Кучатское (1997) 10 км ЮВ г. Нурата	476	Мрамор для щебня. Запасы мрамора учитываются Госбалансом «Строительные камни» в связи с переутверждением запасов (протокол № 303 ГКЗ от 07.09.2008 г.).	Нурата	Навоий
Тутакское 24 км В г. Нурата	3 632	Мраморизованный известняк для бута и щебня. Выход бута — 44,5%, щебня — 54,5%.	Нурата	Навоий
Кокпатасское (1979) (вскрыша) 35 км СВ г. Учкудука, участки Карашохо и Восточный	707	Кремнисто-карбонатные породы из вскрыши Кокпатасского золоторудного месторождения.	Учкудук	Навоий

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ





Бетон учун тўлдирувчилар ишлаб чиқариш норуда қурилиш материаллари корхоналари ўзида карьерлардан хом ашёни қазиб олиш ва уни қайта ишлашнинг комплексини қамраб олади. Хом ашё материаллар карьерлардан экскаватор ёрдамида ёки гидромеханизациялашган воситаларда қазиб олинади. Гидромеханизациялашган воситаларда тупроқ сўрувчи снарядлар мисол бўлади. Улар асосан сув ости ва сув аралашмали қум шағалли карьерларда ишлатилади.

Демак чақиқтош ишлаб чиқариш қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади, тошни қазиб олиш, майдалаш ва фракцияларга ажратиш.

1. Тошни қазиб олиш. Тоғ ёнбағирларида кенг майдон очилгандан сўнг махсус пармаловчи машиналар ва ускуналарда тоғ массивида бир қатор ёки шахмат тартибида аммонит, тротил ва бошқа портловчи моддалар жойлаштирилади ва бир вақтнинг ўзида портлатиш ишлари бажарилади. Йирик тошлар мах-

сус техникаларга юклатилиб, тегирмонга майдалашга жўнатилади.

2. Майдалаш ва навларга ажратиш. Майдалаш – навларга ажратиш корхоналарининг асосий ускуналари бу майдалагичлар, катта кўзли ғалвирлар, лентали конвейерлар, таъминловчилар, транспортёрлар ҳисобланади. Асосан титратувчи кўзли ғалвирлар ишлатилади. Йирик тошлар учун кўзғалмас ғалвирлар ҳам қўлланилади. Майдалагичлар конструкцияси ва майдалаш принципига кўра жағли, конусли, валкли, болғали ва бошқа турларга бўлинади. Тошларни йирик ва ўртача майдалашда жағли майдалагичлар кенг ишлатилади. Кўзғалувчан ва кўзғалмас жағлар орасига тушувчи тошлар, жағларни ёпилишида майдаланади. Нисбатан паст мустақамликка эга тошларни майдалашда, кўпинча валкли майдалагичлар ишлатилади, у иккита силлиқ цилиндрлар (валклар) дан ташкил топади ва бир-бирига қарама-қар-



ши айланади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқорида келтирилган майдалагичларни қўллашда бошқа турдаги майдалагичларга нисбатан кубсимон шаклдаги доналар кўп миқдорда чиқади, пластинкасимон ва нинасимон доналар эса кам чиқади.

Бетон учун тўлдирувчилар ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик схемалари бевосита қайта ишланаётган тоғ жинсларига, тайёр чақиқ тошнинг номенклатураси ва

сифатига, қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг типига, ёқилғи-энергетика, материал ва хом ашёларни иқтисод қилишга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

Қайта ишланадиган қазиб олинган тоғ жинсларининг асосий классификацион характеристикасига унинг бир жинслиги, мустаҳкамлиги, келиб чиқиши, материалнинг қисм ва бўлақларининг ўлчамлари, ундаги мавжуд салбий қўшимчалар (гил, чанг ва бошқалар)нинг тури ва миқдори киради.

Чақиқ тош ва қум ишлаб чиқариш технологияларининг дастлабки нархи

1. Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган, йилига 15 000 куб метр чақиқ тош ишлаб чиқариш қувватига эга технологик линиянинг дастлабки нархи – 150 000 000 сўм.

2. Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, йилига 20 000 куб метр чақиқ тош ишлаб чиқариш қувватига эга технологик линиянинг дастлабки нархи – 175 000 000 сўм.

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида 5 - 12 нафар янги иш ўрни яратилиши мумкин.





IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Мазкур норматив ҳужжатлар орқали чақиқ тош ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, маҳсулотни

ташиш, даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.

Чақиқ тош ва қум ишлаб чиқариш учун зарур намунавий стандартлар қуйидагилар:

Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 7392-2014	Темир йўл релсларининг баласт қатлами учун зич жинслардан майдаланган тош. Техник шартлар.
ГОСТ 3344-83	Йўл қурилиши учун майдаланган тош ва қум. Техник шартлар.
ГОСТ 5578-2019	Бетон учун қора ва рангли металлургиянинг шлакларидан майдаланган тош ва қум. Техник шартлар.
ГОСТ 8267-93	Қурилиш ишлари учун зич жинслардан майдаланган тош ва шағал. Техник шартлар.
ГОСТ 8269.0-97	Қурилиш ишлари учун зич тоғ жинслари ва саноат чиқиндиларидан майдаланган тош ва шағал.
ГОСТ 8269.1-97	Қурилиш ишлари учун зич тоғ жинслари ва саноат чиқиндиларидан майдаланган тош ва шағал. Кимёвий анализ усуллари.





Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-илоvasи “2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати”га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.

4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш



Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Чақиқ тош учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза тақдим этиш** тугмасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамда **3 иш кун** ичида тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган чақиқ тошдан на-

муналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Чақиқ тош ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан фойдаланилади.

Ушбу ўлчов воситалари чақиқтошнинг сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик ўлчамлардан, оғирликлардан четга чиқмаганлиги каби муҳим факторларни доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўз-

бекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги 3174-сон буйруғига асосан Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.

V. САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ



29%



5.1 Иқтисодий самарадорлик



Инвестиция таркиби, %

Асосий жихозлар учун ҳаражатлар	49%
Ёрдамчи ва инфратузилма ускуналар учун ҳаражатлар	6%
Транспорт ҳаражатлари	2%
Лойиханинг ташкилий ҳаражатларини тўлаш	26%
Дизел генератори ва ишга тушириш учун ҳаражатлар	11%
Бошқа ишлар учун ҳаражатлар	6%

Капитал ҳаражатлар

Капитал ҳаражатларнинг асосини ўрнатиш ва ишга туширишни назорат қилиш, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимларнинг малакасини оширишни ҳисобга олган ҳолда хом ашёни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб бериш учун юқори самарали технологик ускуналарни сотиб олишни ташкил этади.

Тўғридан-тўғри ҳаражатлар таркиби, %

Асосий ускуналар учун эҳтиёт қисмлари	2,6%
Ёқилғи-мой ва электр энергия ҳаражатлари	33,7%
Ускуналарнинг амортизацияси	10,3%
Бурғилаш ва портлатиш ҳаражатлари	20,4%
Асосий ҳодимларнинг иш ҳақи	18%
Солиқ тўловлари, иш ҳақи билан	15,0%

Бошқа ҳаражатлар тўғридан тўғри ҳаражатларинг 2 % миқдорида олинади ва қуйидагиларни ўз ичига олади: атроф-муҳит ифлосланишининг рухсат этилган максимал концентрациясидан ошиб кетганлиги учун тўловлар, сарф қилинадиган сув нархи ва маиший чиқинди сувларни тозалаш иншоотларига олиб чиқиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳаражатлари, маркетинг ва бошқалар.

Кадрлар ва иш ҳақи (мингсўм/ой.)	Смена	Киши, смена	Жами	Ойига, бир кишига	Уму- мий
Маъмурий ходимлар					
Бош директор	1	1	1	10000	10000
Бош инженер	1	1	1	6 000	6 000
Бош механик	1	1	1	4 000	4 000
Бош механик	1	1	1	3500	3500
ОТ ва ТБ бўйича инженер	1	1	1	3 000	3 000
Ҳайдовчи	1	1	1	2500	2500
Жами маъмурий штат:			6		29 000
Ишлаб чиқариш ходимлари:					
Кончилик мастери	2	1	2	3500	7 000
Майдалаш цехишчиси	2	3	6	2500	15 000
Назоратчи	2	3	6	2500	15 000
Оператор	2	1	2	3 000	6 000
Конвейр ускунаси назоратчиси	2	2	4	2500	10 000
Электрик	2	1	2	2500	5 000
Сварщик	2	1	2	2500	5 000
Слесарь	2	1	2	2500	5 000
Экскаватор ҳайдовчиси	2	2	4	3500	14 000
Бульдозер ҳайдовчиси	2	1	2	3 000	6 000
Юк ташувчи автотранспорт ҳайдовчиси	2	3	6	3 000	18 000
Самосвал ҳайдовчиси	2	5	10	2500	25 000
Жами ишлаб чиқариш цехидаги штат:			48		131000

VI. ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ



6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли фармониға биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- иқтисодиётни экология-

лаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlарини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўтиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўтиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг қўламда қўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзида ҳаётий жараён рисоладагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқилана фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажақда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33— 35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объектлари қуйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг турлари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;
жамоатчилик экологик назорати.

Ҳар қандай янги лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5 та**

норматив-ҳужжат ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф муҳитга таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ПДВ – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади;

ПДО – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажраладиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳудудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертифицикатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

VII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ





7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавф-

сизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва ҳўжалик юритиш усулидан қатъий назар барча корхона, муассаса, таш-

килотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнат-

ни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий

ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат ва-зифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб

чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақла-нишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даво-лаш-профилактика, реабилита-ция тадбирлари ҳамда восита-лари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш

омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилининг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилининг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалари — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Чақиқ тош ишлаб чиқариш жараёнида асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

Тошни майдалаш, аралаштириш, тушириш ва юклаш операциялари хонанинг ишчи майдонининг чангланишига ва ишчи танасининг кўрсатилган моддалар ва бирикмалар билан тўғридан-тўғри алоқа қилишига йўл қўймайдиган асбоблардан фойдаланган ҳолда механизациялаштирилган ва имкон қадар автоматлаштирилган бўлиши керак.



**VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ
РЀЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);

- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинadиган ёки ижарага олинadиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);

- корхона ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);

- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Акрамов Х. А., Нуриддинов Х.И., Рахимов Ш.Т., Туропов М.Г., «Бетон тўлдирувчилари технологияси». Ўқув қўлланма. Т., ТАҚИ, 2010.
2. Қосимов Э. Қурилиш ашёлари. Дарслик. Т., "Мехнат", 2004.
3. Попов Л.Н. Технология железобетонных изделий в примерах и задачах. Учебное пособие. М. «Высшая школа». 1987.
4. Махмудова М.А., Нуриддинов Х.Н. Бетон ишлари технологияси. Ўқув қўлланма. Т. «ТАЛҚИН» 2004.
5. Попов Л.Н. Қурилиш материаллари ва деталлари. Дарслик. Т. Ўқитувчи. 1991.
6. Кулдашев Х., Кулдашева А. Х. Бетон тўлдирувчилари технологияси фанидан босқич лойихасини бажариш учун услубий қўлланма. Самарқанд. СамДАҚИ, 2010.
7. Кулдашев Х. Кулдашева А. Х. "Бетон тўлдирувчилари технологияси" фанидан лаборатория машғулотларини бажариш учун услубий кўрсатмалар. Самарқанд. СамДАҚИ. 2010.
8. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.
9. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Мўлжал: “Ўзбекистон почтаси”,
“Ucell” бош офиси.

Алоқа учун: + 998 (78) 120-35-94

E-mail: info@uzpsb.uz

Сайт: sqb.uz

“ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.

Мўлжал: Дўстлик боғи,
“Ичан қалъа” меҳмонхонаси

Алоқа учун: (71) 254-92-01

E-mail: info@uzqmliti.uz

Сайт: uzqmliti.uz

[illegible]

[illegible]

This image shows a single sheet of white paper with horizontal blue ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

[illegible]



**Чақиқ тош ва қум ишлаб чиқариш
бўйича амалий услубий қўлланма**

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.